

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“КЕЛИШИЛГАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридаги
Интеллектуал мулк
агентлиги директори**






Т. Абдусатторов

2021 йил 18 февраль

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини
ошириш маркази директори**





А. Рахматов

2021 йил 18 февраль

**“Интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва
амалий масалалари” курси бўйича**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ

Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази
Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил
_____даги йиғилишида муҳокама қилинган
ва маъқулланган (____-сонли баённома).

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий эти чора-тадбирлари тўғриси”ги 544-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Тузувчилар: **А.Раҳматов** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори;

Ш. Хасанов – Юристлар малакасини ошириш маркази Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи.

С. Қиличев – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги Интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи

Тақризчилар: **А. Отажонов** – Юристлар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор;

Ф. Файзиев – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги Интеллектуал мулк соҳасини таҳлил қилиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи, ҳуқуқ магистри.

СЎЗ БОШИ

Ўқув курсининг долзарблиги. Мазкур қисқа муддатли ўқув курси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси ва Интеллектуал мулк ҳимояси марказларига ишга қабул қилинадиган ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришга замин яратади.

Дастур мазмунининг янгилиги. Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарорида белгиланган талабларга мос келади.

Ўқув курсининг мақсади тингловчиларга интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид билимлар ва янгиликлар ҳақида назарий билимлар бериш ҳамда касбий кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

Тингловчилар контингенти – ўқув дастури Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси ва марказларига ишга қабул қилинадиган ходимларини ўқитишга мўлжалланган.

Ўқув курсининг ҳажми: малакаси оширишнинг муддати камида 1 ҳафта (36 соат) этиб белгиланади ва ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитиш шакли: онлайн шаклдаги масофавий таълим ёки анъанавий таълим.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Умумий малака талаблари:

Конституция ва қонунларда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

касбий фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

соҳага оид ҳолислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Касбий малака талаблари:

Интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчаси ва институтлари; патент ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва тизими ҳамда асосий қоидалари; патент ҳуқуқи объектлари ва субъектлари ҳамда патентни олиш, уни тўхтатиш ва тиклаш тартиби ҳақида *масаввурлар*;

муаллифлик ҳуқуқининг объект ва субъектлари, муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари тизими; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда қўлланадиган шартномалар; турдош ҳуқуқларнинг вужудга келиши, объектлари ва ҳуқуқий муҳофазаси, турдош ҳуқуқлар субъектлари ва уларнинг шахсий ҳуқуқлари ҳақида назарий ва амалий *билимлар*;

интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ва мулк ҳуқуқлар, мутлақ ҳуқуқ тушунчаси ва унинг мазмуни; интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномалари, шунингдек ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномалар; телекоммуникациялар тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш чоралари; интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва номоддий активларни бухгалтерия ҳисобини юритиш,

интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш; интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси; патент эгалари ва муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муқобил тизими; интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, соҳага оид маъмурий ва жиноят ишларини судда кўриб чиқиш тартиби; интеллектуал мулкка оид низоларни фуқаролик ва иқтисодий судда кўриб чиқиш тартибини қонунчилик доирасида қўллаш қўникмаси.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун 36 соат ажратилган. Аудитория машғулоти: маъруза – 10 соат, амалий машғулотларга – 26 соат ажратилган (2 соатлик якуний суҳбат билан бирга) ажратилган.

“Интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалалари” курсининг МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

№	Модуль ва мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар				
		Маъруза	Семинар-тренинг	Амалий машғулот	Жами	
<i>I-Модуль. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тизими ва асослари</i>						
1.	Интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчаси ва институтлари	2	-	-	2	
2.	Патент ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва тизими ҳамда асосий қоидалари	2	-	-	2	
3.	Патент ҳуқуқи объектлари ва субъектлари	-	-	2	2	
4.	Патентни олиш, уни тўхтатиш ва тиклаш тартиби	-	-	2	2	
<i>II-Модуль. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар</i>						
5.	Муаллифлик ҳуқуқининг объект ва субъектлари. Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари тизими	2	-	-	2	
6.	Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда қўлланадиган шартномалар	-	-	2	2	
7.	Турдош ҳуқуқларнинг вужудга келиши, объектлари ва ҳуқуқий муҳофазаси. Турдош ҳуқуқлар субъектлари ва уларнинг шахсий ҳуқуқлари	-	-	2	4	
<i>III-Модуль. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар</i>						
8.	Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлар, мутлақ ҳуқуқ тушунчаси ва унинг мазмуни	2	-	-	2	
9.	Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномалари, шунингдек ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномалар	-	-	2	4	
10.	Телекоммуникациялар тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш чоралари	-	-	4	4	
<i>IV-Модуль. Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси</i>						
11.	Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва номоддий активларни бухгалтерия ҳисобини юритиш. Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш	-	-	-	2	
12.	Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси	-	-	2	2	
<i>V-Модуль. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқбузарликлар ва</i>						

<i>уларни кўриб чиқиш тартиби</i>					
13.	Патент эгалари ва муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муқобил тизими	2	-	-	2
14.	Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар. Соҳага оид маъмурий ва жиноят ишларини судда кўриб чиқиш тартиби	-	-	4	2
15.	Интеллектуал мулкка оид низоларни фуқаролик ва иқтисодий судда кўриб чиқиш тартиби	-	-	4	2
	Яқуний синов	-	-	2	2
Ж А М И:		10	-	26	36

ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-Модуль. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тизими ва асослари

1-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчаси ва институтлари

Интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчаси. Интеллектуал мулк ҳуқуқи манбалари. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг тизими. Интеллектуал мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга оид давлат-ҳуқуқий сиёсати асослари. Интеллектуал фаолият натижаларига ҳуқуқий муҳофаза бериш.

2-Мавзу. Патент ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва тизими ҳамда асосий қоидалари

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг ўзига хос институтлари. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари ва таркибий қисмлари. Интеллектуал мулк объектларининг таснифи ва турлари. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўйиладиган талаблар. Интеллектуал мулк объектларининг мақоми.

Патент ҳуқуқи тушунчаси ва тизими. Объектив маънодаги ва субъектив маънодаги патент ҳуқуқи. Патент ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари. Патент ҳуқуқининг турлари ва манбалари.

Патент ҳимояси асослари. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳолатлар. Патент ҳуқуқининг қоидалари. Патент ҳуқуқи қоидаларини таснифлаш.

3-Мавзу. Патент ҳуқуқи объектлари ва субъектлари

Патент ҳуқуқи объектлари. Ихтиролар. Фойдали моделлар. Ихтиро ва фойдали модель сифатида эътироф этилувчи маҳсулотлар. Ихтиро ва фойдали модель сифатида эътироф этилмайдиган ҳолатлар. Саноат намуналари. Саноат намуналари деб эътироф этилмайдиган объектлар. Селекция ютуқлари. Селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқи. Жаҳон Савдо Ташкилотининг Интеллектуал мулкнинг савдо жиҳатларига оид битими.

Патент ҳуқуқи субъектлари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги.

4-Мавзу. Патентни олиш, уни тўхтатиш ва тиклаш тартиби

Патент ҳуқуқи объектларига муҳофаза олиш. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва селекция ютуқларига нисбатан қўйиладиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар. Саноат мулки учун патент ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш босқичлари: талабномани тайёрлаш ва топшириш; талабномаларнинг ваколатли идора томонидан кўриб чиқилиши: тезкор экспертизани ўтказиш тартиби ва шартлари, халқаро классификациялар, патент бериш.

Патентнинг амал қилиши тугатилиши. Патент ҳуқуқи объектлари патентини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ёки бекор қилиш асослари. Патентнинг амал қилишини тиклаш.

II-Модуль. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар

5-мавзу. Муаллифлик ҳуқуқининг объект ва субъектлари. Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари тизими

Муаллифлик ҳуқуқининг объектлари тушунчаси. Муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланмайдиган асарлар. Асарларнинг дахлсизлиги. Муаллифлар шахсий ҳуқуқлари тушунчаси. Муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқлари. Муаллифлар шахсий мулкый ҳуқуқлари. Муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари. Ҳаммуаллифлик. Ҳосила ва жамланма асарлар. Хизмат асарларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг қўлланиши. Муаллифлар шахсий ҳуқуқлари дахлсизлиги. Мутлақ ҳуқуқларни чеклаш.

6-Мавзу. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда қўлланадиган шартномалар

Муаллифлик ҳуқуқида қўлланадиган шартномалар тушунчаси. Шартномаларнинг турлари. Шартномаларга қўйиладиган талаблар. Шартнома тузиш ва уни бекор қилиш асослари. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги оқибатлари.

7-Мавзу. Турдош ҳуқуқларнинг вужудга келиши, объектлари ва ҳуқуқий муҳофазаси. Турдош ҳуқуқлар субъектлари ва уларнинг шахсий ҳуқуқлари

Турдош ҳуқуқлар тушунчаси. Турдош ҳуқуқларнинг вужудга келиши. Турдош ҳуқуқлар объектлари турлари ва тизими. Турдош ҳуқуқлар объектларига қўйиладиган талаблар. Турдош ҳуқуқ объектларидан фойдаланиш, уларни такрорлаш ва тарқатиш. Турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш.

Турдош ҳуқуқлар субъектлари. Турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳуқуқларининг вужудга келиши. Турдош ҳуқуқлар субъектларининг шахсий номулкий ва шахсий мулкый ҳуқуқлари. Шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.

III-Модуль. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар

8-Мавзу. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқлар, мутлақ ҳуқуқ тушунчаси ва унинг мазмуни

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига бўлган ҳуқуқ. Селекция ютуқлари, интеграл микросхемалар топологияси ва ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) бўлган ҳуқуқ. Индивидуаллаштириш воситаларига (товар, хизмат кўрсатиш) бўлган ҳуқуқлар.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан муаллифнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари. Интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар. Шахсий номулкий ҳуқуқлар.

9-Мавзу. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномалари, шунингдек ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномалар

Шартномалар таснифи, мазмуни, лицензия шартномаларининг турлари. Лицензия шартномасининг предмети. Лицензия шартномалари ва ҳуқуқларни бериш шартномаларининг ҳуқуқий ва иқтисодий моҳияти. Лицензия шартномаси бўйича ҳақ тўлашда қўлланиладиган шакллар. Мутлақ ҳуқуқни учинчи шахсларга тўлиқ ва қисман ўтказиш. Мулкый ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши.

10-Мавзу. Телекоммуникациялар тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш чоралари

Телекоммуникация тизими. Телекоммуникация тизимида муаллифлик ҳуқуқи объектларини жойлаштириш тартиби. Телекоммуникация тизимида муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишда қўлланадиган шартномалар. Телекоммуникация соҳаси субъектлари томонидан муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш. Интернет тармоғида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ва бунда ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари.

IV-Модуль. Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси

11-Мавзу. Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва номоддий активларни бухгалтерия ҳисобини юритиш. Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш

Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш. Интеллектуал мулкдан олинган даромадларни солиққа тортиш.

Интеллектуал мулк объектларини идентификация қилиш, баҳолаш ёндашувлари, баҳолаш усулларини танлаш, баҳолашни асослаш ва қўллаш: даромадли, қийматли ва ҳаражатли усуллари, яратиш (бошланғич ҳаражатлар) қиймати усули, тиклаш ҳаражатлари қиймати усули, алмаштириш қиймати усули.

Интеллектуал мулк объектлар қийматини устав капиталига киритиш қоидалари. Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришнинг миллий ва халқаро амалиёти. Инновацион фаолият ва технологиялар трансфери. Интеллектуал мулк объектларини бошқариш тамойиллари. Интеллектуал мулк объектларини ҳўжалик муомаласига киритиш масалалари.

12-Мавзу. Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси

Интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги ва ўзига хос жиҳатлари. Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро шартномаларнинг мазмун-моҳияти. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда иштирок этувчи халқаро ташкилотларнинг фаолияти. Мадрид тизими, Лиссабон битими, халқаро Ницца, Локарно классификациялари, Халқаро Патент таснифи.

V-Модуль. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқбузарликлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

13-Мавзу. Патент эгалари ва муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муқобил тизими

Патент ҳуқуқи самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари. Патент ҳуқуқларининг бузилиши тушунчаси. Патент ҳуқуқи соҳасидаги бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.

Патент эгасининг ҳуқуқларини билвосита бузиш. Ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг маъмурий тартиби. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашида низоларни кўриб чиқиш тартиби. Патент вакиллари. Патент вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

14-Мавзу. Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар. Соҳага оид маъмурий ва жиноят ишларини судда кўриб чиқиш тартиби

Интеллектуал мулк соҳасига ҳуқуқбузарликларнинг тавсифи. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш. Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга ҳилоф равишда

фойдаланиш, Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш, ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тавсифи ва жавобгарлик асослари.

Маъмурий ишлар бўйича судларда интеллектуал мулк соҳасига оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартиби. Судларда интеллектуал мулк соҳасига оид жиноятларни кўриб чиқиш тартиби.

15-Мавзу. Интеллектуал мулкка оид низоларни фуқаролик ва иқтисодий судда кўриб чиқиш тартиби

Интеллектуал мулк соҳасида низоларни ҳал қилиш ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш. Судларда интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни ҳал қилиш. Ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари. Етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш.

Ўқув дастурини ўзлаштириш бўйича МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва бошқа шаклларда ўтилишини назарда тутати. Барча турдаги машғулотлар *тренинг* шаклда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси ва марказлари фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилади ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуй режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилади.

Семинар-тренинглар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва хизмат фаолиятини самарали амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Амалий машғулотлар давомида тингловчилар Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси ва марказлари фаолиятининг асосий касбий йўналишларига оид тегишли ҳаракатларни бажара олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим ва улар бўйича фикр юритиш мақсадида (масалан, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда қўлланидиган шартномалар, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномалари, шунингдек ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномалар ёки интеллектуал мулк соҳасидаги маъмурий ва жиноят ишларини, шунингдек, низоларни фуқаролик ва иқтисодий судда кўриб чиқиш тартиби) амалий топшириқларни бажарадилар. Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

Ўқув курсини ўзлаштиришда тингловчилар Марказнинг Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларида мавжуд материаллар: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дарслик, монография, ўқув қўлланма, амалий қўлланма, илмий мақолалар, маърузалар фонди ва бошқа материаллардан фойдаланишлари мумкин.

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-ўқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув дастурида тингловчиларнинг дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний синов назарда тутилган.

Ўқув дастурини ўзлаштириш ва таълим жараёнларини таъминлашга мўлжалланган ўқув ва ўқув-методик материаллар.

Ўқув материаллари:

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

амалиётда қўрилган суд ва апелляция ишлари ёритилган казуслар.
мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва бошқалар).

Ўқув-методик материаллари:

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;
амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва бошқалар).

Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминои:

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;
“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xlsx”, “mp3”, “mp4” ва бошқа форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;
мультимедиа қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

АТТЕСТАЦИЯ ШАКЛИ

Сухбат шаклидаги якуний синов.

Масофавий таълим шаклида тингловчилардан “TrueConf” махсус дастурий таъминот ёрдамида масофадан туриб реал вақт режимида компьютер орқали сухбат асосида якуний синовлар қабул қилинади. Якуний синов топшириш тартиби тизимнинг эълонлар бўлимига жойлаштирилади.

БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалалари” курсидан сухбат шаклидаги якуний синовларни (сухбат қабул қилиш) ўтказиш методикаси ва уларни қабул қилиш учун топшириқ ва саволларни назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар.

АХБОРОТ ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т., 2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т., 2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. – Т., 2020 й.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1-қисм. – Т., 2015 й.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. – Т., 2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019 й.

Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида" Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида" Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002 й.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Т., 2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 август "Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3201-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февраль «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4168-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июль «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4380-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 609-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 март "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 май "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5997-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги "Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4965-сон Қарори.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи конвенция. – М., 1978 й.

Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси. – М., 1883 й.

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид Битими. – М., 1967 й.

Патент кооперацияси тўғрисида Шартнома. – М., 1970 й.

Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисида Шартнома. – М., 1994 й.

Халқаро патент таснифи тўғрисида битими. – М., 1971 й.

Белгиларни рўйхатга олиш учун товарлар ва хизматларни халқаро таснифлаш тўғрисида Ницца битими. – М., 1957 й.

Бадиий ва адабий асарларни химоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси. – М., 1971 й.

Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими. – М., 1968 й.

Патент ҳуқуқи тўғрисида Шартнома. – М. отношения, 2000 й.

Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотининг Муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси. – М., 1997 й.

Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк ташкилотининг Ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси. – М., 1997 й.

Махсус адабиётлар:

Абдуллин А.И. Интеллект и право: правовая охрана интеллектуальной собственности : Учебное пособие. – М., 2001 г.

Авторское право XXI век. Сборник научных статей. – М. Российская академия правосудия. 2010 г.

Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг такомиллаштириш истиқболлари. –Т.:ТДҶОИ. 2008 й.

Безбаха В.В. Гражданское и торговое право зарубежных стран. – М., 2004 г.

Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. – М., 2002 г.

Близнец И. А. Конституционно - правовая и международно-правовая защита интеллектуальной собственности. Дисс. к.ю.н. – М., 1997 г.

Близнец И.А. Правовое обеспечение интеллектуальной собственности. – М., 2000 г.

Богуславский М.М. Международное частное право. – М., 2000 г.

Волынкина М.В. Инновационное законодательство России. – М., 2005 г.

Гришаев С.П. Интеллектуальная собственность. Учебное пособие. – М., 2008 г.

Дежина И.Г. Проблемы прав на интеллектуальную собственность. – М., 2003 г.

Зокиров И.Б. Ўзбекистон Фуқаролик ҳуқуқи. – Т., 1998 й.

Кальягин В.О. Интеллектуальная собственность (Исключительные права). Учебник. – М., 2000 г.

Мэггс П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. – М., 2000 й.

Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. – Т., 2006 й.

Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. – Т., 2003 й.

Имомов Н.Ф. Нанотехнологияларнинг ҳуқуқий асослари. Монография. –Т.: ТДҶОУ, 2015 й.

Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари. – Т.: ТДҶОИ, 2011 й.

Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк объекти сифатида янги нав ва зотнинг ҳуқуқий мақоми. – Т.: ТДҶОИ, 2010 й.

Имомов Н.Ф. Селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқ./Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. Дарслик.– Т.: Илм-Зиё, 2008 й.

Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДҶОИ. 2008 й.

Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. – Т., 2003 й.

Окюлов О.. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004 й.

Окюлов О. Инновациянинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий таснифи. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. –Т., 2012 й.

Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. I-жилд. – Т., 1997 й.

Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар – Т., 2000 й.

Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. – Т., 2003 й.

Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. – Т., 1997 й.

Тошев Б.Н. Авторское право. – Т., 1997 г.

Тошев Б.Н.. Муаллиф ва қонун. – Т.,1998 й.

Тошев Б.Н.. Муаллифлик ҳуқуқи. – Т., 2001 й.

Тошев Б.Н. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. – Т., 2007 й.

Тошев Б., Худайбердиева Г. Муаллифлик ҳуқуқи тизимидатурдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш. – Т., 2010 й.

Фукаролик ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. – Т., 2007 й. – 926 б.

Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. – Т., 2006 й.

Худайбердиева Г.А. Турдош ҳуқуқларни фукаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари. – Т., 2006 й.

Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. – Женева, 1990 г.

Pub. L. 71-361, Sec. 337" (PDF). www.legisworks.org. Retrieved 10 May 2017.

Patent Law and Policy: Cases and Materials by Robert Patrick Merges, John Fitzgerald Duffy. Hardcover. Published January 1st 2007 by LexisNexis.

Rosen, Lawrence E. Open source licensing : software freedom and intellectual property law / Lawrence Rosen. – 1st ed. p. cm. Includes bibliographical references and index. ISBN 0-13-148787-6 (pbk.) 1. Open source software—Law and legislation—United States. I. Title. KF3024.C6R67 2004 346.7304'8—dc22.

WIPO Intellectual Property Handbook: Policy, Law and Use. Geneva. WIPO Publication No. 489 (E). 2004. Second Edition. 494 p.

V. Веб-сайтлар:

<http://Allpravo.ru>

<http://www.lawportal.ru>

<http://www.legislature.ru>

<http://www.law-and-politics.com>.

<http://www.cer.uz>

<http://www.gov.uz>

<http://www.gki.uz>

<http://www.gsl.uz.org>

<http://www.Lex.uz>

<http://www.wipo.org>

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.